

## VIII – XIII АСРЛАРДА ХОРАЗМ АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МАДАНИЙ ТАЪСИР ОМИЛЛАРИ

**Атаев Азамат**

ТошҶЎТАУ ўқитувчиси, Адабий манбашунослик  
ва матншунослик кафедраси таянч докторанти

[\*\*https://doi.org/10.5281/zenodo.6788188\*\*](https://doi.org/10.5281/zenodo.6788188)

**Аннотация.** Мазкур мақолада VIII-XIII асрларда Хоразм адабий муҳитининг ривожига маданий жиҳатдан таъсир кўрсатган омиллар юзасидан фикр-мулоҳазалар келтирилади.

**Калим сўзлар:** Хоразм арабийзабон адабиёти, Баҳром Гўр, мадҳ, фаҳр, ҳажс, Мужир уд-давла.

### **ФАКТОРЫ КУЛЬТУРНОГО ВЛИЯНИЯ НА ФОРМИРОВАНИЕ ЛИТЕРАТУРНОЙ СРЕДЫ ХОРЕЗМА В VIII-XIII ВВ.**

**Аннотация.** В данной статье представлены мнения о факторах, культурно влиявших на развитие литературной среды Хорезма в VIII-XIII вв.

**Ключевые слова:** хорезмийская арабская литература, Баҳрам Гор, мадҳ, гордость, юмор, Муджир уд-Даула.

### **FACTORS OF CULTURAL INFLUENCE IN THE FORMATION OF THE KHOREZM LITERARY ENVIRONMENT IN THE 8TH - 13TH CENTURIES**

**Abstract.** This article provides opinions on the factors that culturally influenced the development of the literary environment of Khorezm in the 8th-13th centuries.

**Key words:** Khorezm Arabic literature, Bahram Gor, madh, pride, humor, Mujir ud-Dawla.

### **КИРИШ**

Хоразм адабий муҳитининг шаклланишида маданий таъсир омилларини таҳлил қиласар эканмиз, мӯғуллар босқинигача бўлган даврда Хоразм арабийзабон муҳитида Абу Бақр Хоразмий ва Рашидуддин Ватвот каби адиллар наср бобида ҳам кўплаб ижод қилганларини қўрамиз. Лекин шеърият Шарқ ҳалқлари, жумладан, Ўрта Осиё яқин ўтмишга ўз илгор мақомини бермай келганини ҳаммамиз эътироф этамиз. Тарихга нигоҳ солсак, араб фотихлари ушбу ўлкада дуч келган адабиёт ва ушбу адабиётнинг қиймати масаласи ўртага чиқади. Аччиқ ҳақиқат шуки, Исломдан олдин ушбу ўлкада бўлсин ё бошқа худудларда бўлсин, маҳаллий шеърият ҳақида ҳеч нима билмаймиз. Бор маълумотлар ҳам афсоналар қатига жойланган. Масалан, Шамсиддин Розийнинг айтишича, Баҳром Гўр илк шеър назм қилган киши бўлиб, у шеърни Ҳайрада араблардан ўрганади. Форс олимлари унинг шеър ёзишини маъқулламадилар ва уни шеър ёзишдан ман қилдилар. Унинг ўзи эса бундан сабоқ олиб, ўз фарзандлари ва қариндошларига шеър ёзишни ман қиласади.

### **ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Кўпчилик Эрон адабиётшунослари форс шеърияти Исломнинг кириб келиши ва икки умматнинг бирлашиб кетиши араб ва форслар, Куръон ва арабчага бўлган муҳаббатнинг бирлашиши, жоҳилият ва Ислом араб адабиёти билан жипсласиб кетиши билан юзага келганига ишора қиласадилар.

Сомонийлар ўз қасрларида араб ва форс шоир ва ёзувчиларига ҳомиийлик қылғанлари маълум. Лекин уларнинг саройларида шеър тараннум этгувчи айрим эроний шоирлар, В.В.Бартольд айтганидек, Исломга мос келмайдиган фикрларни тарқатар эдилар, масалан, Рудакий Самарқандий “юзни қиблага буришда маъно йўқ, қалб мажусий қудсиятга талпинувчиидир ва барча динлар учун умумий бўлган илоҳга иймон келтироқ лозим” – деган. Буни В.В.Бартольд қуйидагилар билан қўллаб қувватлайди: “Дақиқий деган шоир ўз сўзлари билан зардустийлик ақидасини қуйидаги сўзлари билан очиқасига эълон қилган: “Хамр (маст қилувчи ичимлик) ортиб қолар, лабим ва зардуст дини бошқа барча нарсадан кўра унинг ҳабиби”dir. В.В.Бартольд назарда тутган шеърни Забихулло Сафо ўз китобига киритган. Ҳусайн Тоҳо фикрича, бу сўзлар зардустийлик ақидасини очиқасига эълон қилиш бўлмай, шоирлар мусулмон бўлса ҳам бундай сўзларни айтгандари учраб туради, буни ахлоқи бузук мусулмон араб шоирларининг ижодида ҳам учратиш мумкин.

Шамсиддин Розий айтадики: Биринчи форсча шеър айтган Абу Ҳафс ас-Саъдийдир, лекин адабиёт тарихчилари Наср ибн Аҳмад Сомонийнинг шоири Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий биринчи буюк форс шоири эканига иттифоқ қилғанлар.

Ажам ўлкаларидағи арабийзабон адибларнинг кўпчилиги ушбу юртларда кетмакет ҳукм сурган давлатларнинг султон ва ҳукмдорларининг саройларида яшаганлар. Улар девонларда котиблиқ қилдилар, мақтов ва надомат шеърларини ёздилар, мадрасаларда ёзув билан машғул бўлдилар. Уларнинг ичидаги бир юртдан бошқасига кўчиб юрганлари ҳам бор. Улар Шом, Миср, Жазира ва Андалусдаги шоирлар билан ҳамсоя бўлмадилар, чунки улар ажам муҳитининг шоирлари эди, шу билан бирга улар ўзларининг турли адабий ғояларида мутакаддим шоирларнинг йўлини тутдилар. Биздаги мавжуд ушбу ўлкада битилган шеър намуналари араб шеъриятига тақлидан ёзилганига гувоҳ бўлдик. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу шеърият анъанавий тақлидий мактаб йўналишида юрган, лекин шу билан биргаликда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга эди. Унинг ilk кўринишлари Ислом халифалигининг марказидан узоқдаги Мовараунаҳр каби Машриқ ўлкаларида ривож топганидан бери шаклланган. Бу ўлкадаги шеърият кўринишларидан энг муҳимлари тақлидий мавзулар – мадҳ, фахр, ҳажв, шикоят, ачиниш, ишқ, аёлларни мақташ ва шу кабилар мисолида гавдаланган. Улар қасида тузиш, унинг суратларини жамлаш ва услубларини таълиф қилишда хотира ва меросдан илҳом оладиган тилда ўз салафларининг йўлидан бордилар.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Мадҳ ва ҳажв эски араб муҳитининг ажралмас бўлагидир. Хоразм арабийзабон муҳити ҳам арабларнинг табиати билан ўта катта даражада характерланади. Айниқса, бу ернинг султонлари ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлаб, салтанатларини кучайтиришда шеъриятдан бир восита сифатида фойдаланганларини кўрамиз. Султон Санжар ва Султон Отсиз орасида сиёсий қарама-қаршилик қанчалик кучли бўлса, адабий ҳаётда ҳам шунчалик ўта кучли рақобат бўлган. Иккала ҳукмдор ҳам ўз саройидаги шоир ва адиблар сони жиҳатидан устун бўлишга уринганлар. Кейинчалик султон Маҳмуд Ғазнавий хоразмийлар саройидаги баъзи адибларни ўз саройида яшаш учун даъват қилиб одам юборади, уларнинг бир қисми ушбу чақириққа лаббай дейишади, бир қисми – Ибн Сино, Беруний, Масиҳий ва Ибн Хамморлар эса рад жавобини берадилар.

Фикрларимиз исботи сифатида қасида түзишда мұмтоз услугуб сақланиб қолғани намунаси сифатида Султон Санжар мадхидә Абул Қосым Замахшарий томонидан битилған сатларга әътибор қаратамиз:

إن المليحة بكثرة أحاجها  
 فاهتاج من حرق الهوى مهاجها  
 فكانه عيني وهي كالدم دمعها  
 كأس " من الصهباء قل مزاجها  
 قامت تودع والنفاب ' مضاعف  
 ليغيب " تحت نقابها أبهاجها  
 وكشعلة المصباح غرة وجهها  
 ونقابها ، مشكاتها وزجاجها  
 وكانتا السلطان سنجر كعبه "  
 للملك منتخب الملوك ر تاجتها  
 شهم " إذا ما ألقحت أفكاره  
 آراؤه كان الصواب تناجها  
 لكنها تلد الصواب متمة  
 ولرب آراء يسوء خداجها  
 ركب السياسة وهي أصعب مركب  
 فتطامنت لركوبه انتاجها  
 جهنم المحيا للعدى طلق إذا  
 ضيفانه نزلت به أفواجتها

*Гүзал аёлнинг маркаби эрта келди,  
 Гилдираклари ҳавонинг иссиғидан ҳаракатга келди.  
 Қон каби кўзимнинг ёши саҳбодан қадаҳу  
 Мизожи озайиб.  
 Видолашмоқ учун турди, ниқоби эса икки қават,  
 Сабаби: гўзаллиги ниқоб остида гойиб бўлиши учун.  
 Юзининг оқи, ниқоби, фонуси ва шишиаси тонг шуъласи каби.  
 Султон Санжар мамлакат Каъбасидек подшоҳларнинг  
 сараси ва тожи эрмии.*

*Фикрларин ўртага ташлаганды зийракдир у,  
 Фикрларининг натижаси тўғрилик экан.  
 Бу фикрлар тўғриликни тамомила юзага чиқарур,  
 Фикрлар норасо бўлса, расволик келтиргай  
 Машақатли бўлган сиёсат маркабин минди,  
 Миниши билан у ўз самарасин (таъзим ила туттмоқ учун)  
 эгиг турди.*

*Меҳмонлари келса, душманлар норозилик изҳор этар.*

### МУҲОКАМА

Кўринадики, Замахшарий бу қасидани тузилиши, услуби, ғазал билан бошлишида ва мадҳ билан тугатишида арабча қасидалар йўлини тутган.

Шунга ўхшаш қасидада **Мужир уд-давла** Урдистонийни мақтаган. Қасиданинг аввали:

أيا حبذا سعدي وحب مقامها  
 ويا حبذا أين أستقل خيامها  
 حياتي وموتى قرب سعدي وبعدها  
 وعزتي وذلتى وصلها وانصرامها

*Чечакларим ва турган жойи нақадар яхии,  
 Чодирлар турган жойи нақадар яхии.  
 Ҳаётим ва мамотим чечакларимга яқин ва ундан сўнг ҳам.  
 Иззатим ва зиллатим уни улайди ва кесадир.*

Хорзм арабийзабон адабий муҳитида шеърият ўз ичига олган жоҳилият ва ислом даври араб шеъриятидаги ўхшаш ва фарқли томонлари билан бирга уларнинг муҳим йўналишларини қамраб олган эди. Бундай шеърларни хусусий мадҳ деб номласак ҳам бўлади. Чунки умумий мадҳ шеърлари ҳам бўлиб, уларда подшоҳ, вазир, ҳокимлар ва бошқаларнинг мадҳи берилмайди.

### ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш ўринлики, VIII – XIII асрларда хоразм адабий муҳитининг шаклланишида Хоразм арабийзабон адабиётидаги шеърлар, қасидалар, бир томондан, ушбу муҳит пайдо бўлиши ва ривожланишидаги маданий алоқалар, маданий таъсир омилларини ёритишда аҳамиятли бўлса, иккинчи томондан ижтимоий-сиёсий омилларни очиб беришда ҳам жуда муҳимdir.

#### *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Москва: Русский язык, 1983.
2. Бегматов Э. Арабча ўзлашма сўзлар қатлами // Ўзбек тили лексикологияси. -Т.: Фан, 1981, 11–124-бетлар.
3. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1997.
4. Талабов Э. Араб тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
5. Ўзбек тилидаги арабча ва форсча сўзлар лугати. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
6. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1968.
7. Бартольд В.В. Сочинения I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – Москва: Издательство восточной литературы. 1963.
8. Элмуродов И., Эшмуродов М. X–XII асрлар Хоразм маданияти Ёқут ал-Ҳамавий талқинида. – Урганч: Урганч давлат университети, 2006.